

**ИМОМ МОТУРИДИЙ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

“ТАЪВИЛОТ” ДАН ДУРДОНАЛАР

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2021

УЎК: 28-23:17

КБК: 86.38

87.7

A 45

Аллоқулов, А., Арслонов, З.

“Таъвилот”дан дурдоналар [Матн] : рисола / А.Аллоқулов, З.Арслонов. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 40 бет.

УЎК: 28-23:17

КБК: 86.38

87.7

Ушбу рисолада Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг 29- ва 30-жузларида келган одоб-ахлоққа оид ҳикматли сўзлар халқчил тарзда баён қилинган.

Китоб олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 16.08.2021 йилдаги 03-07/5005-сонли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-7404-6-4

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021

КИРИШ

Имом Мотуридийнинг тўлиқ исми манбаларда Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махмуд Абу Мансур Мотуридий Самарқандий (870-944) деб қайд қилинган. Манбаларнинг аксариятида олимга “Мусулмонларнинг шайхи, имом, суннатнинг қиличи, адашган ва бидъатчи тоифаларни таг-томири билан кўпариб ташловчи, зоҳид, ҳидоят имоми, ҳидоят байроғи имоми, ҳидоят ва дин имоми, миллат таянчи, умматни ҳидоятга йўлловчи, ҳанафий шайхлари раиси, мутакаллимлар имоми, мусулмонлар эътиқодини тузатувчиси, мусулмонлар эътиқодини мустаҳкамловчиси” каби лақаб ва унвонлар берилгани қайд қилинган. Булар орасида Имом Мотуридийнинг “ҳидоят имоми” ва “ҳидоят байроғи” деган лақаблари энг машҳури ҳисобланади.

Имом Мотуридий ақида соҳасида Абу Ҳанифанинг том маънодаги издоши ҳисобланади. Алишер Навоий ўзининг “Насоиму-л-муҳаббат” асарида Имом Мотуридий ҳақида бундай деган: “Шайх Абу Мансур Мотуридий ўз замонининг аълам уламози эрмиш. Ул вақт уламози аларни “Султону-л-муиззин” дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари била ораста эрмишлар”.

У Самарқанддаги “ал-Иёдия” мадрасасида ўқиб, маҳаллий ҳанафий фақиҳларга шогирд тушиб, улардан таълим олди. Имом Мотуридийнинг устозлари сафига Муҳаммад ибн Муқотил Розий (ваф. 248/862), Нусайр ибн Яхё Балхий (ваф. 268/882), Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайх Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/889) кабиларни киритиш мумкин.

Имом Мотуридий ўз даврининг етук олими, фақиҳи ва калом илми мутахассисларини етиштириб чиқарган.

Уларга Абул Қосим Ҳаким Самарқандий (342/953), Абул Ҳасан Рустуфағний (ваф. 350/961), Абу Муҳаммад Абдулкарим Паздавий (390/1000) кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Манбаларда кўрсатилишича, Абу Мансур Мотуридийнинг “Китобу-т-тавҳид” (Тавҳид китоби), “Китоб ал-мақолот” (Моқолот китоби), “Маъхазу-ш-шароиъ” (Шариатлар манбаи), “Китоб ал-жадал” (Мунозара китоби), “Таъвилот ал-Қуръон” (Қуръон таъвили), “Китобу баёни ваҳм ал-муътазила” (Муътазилийларнинг хом-ҳаёлини баён этувчи китоб), “Радд ал-усул ал-хамса” (Беш асосга раддия), “Китобу радди авалъил ал-адилла ли-л-Каъбий” (Каъбийнинг асосий далилларига раддия китоби), “Радд китоб ал-Каъбий фи ваъид ал-фуссоқ” (Каъбийнинг фосиқларнинг ваъидига бағишланган китобига жавоб) каби асарлари мавжуд. Бироқ, илк ўрта аср мутакаллимларининг кўпгина илмий мероси каби Мотуридий асарларининг аксарияти бизгача етиб келмаган. Унинг илмий меросидан фақатгина “Китоб ат-тавҳид” ва “Таъвилот ал-Қуръон” китоблари сақланиб қолган.

Мотуридий вафотидан сўнг Самарқанд чеккасида жойлашган Чокардиза қабристонига дафн этилади.

Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Илоҳиёт илмларининг тўла шаклланиб, такомилга етишида уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизимга солишда катта бир ишни амалга оширди. Буюк аллома ўз қарашлари билан ҳанафийлик таълимотининг Ўрта Осиё халқлари анъаналари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб берди. Буюк ватандошимиз яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий мактабларидан бири сифатида

кенг кўламда тан олинди. Суннийликнинг ҳанафий-мотуридийлик таълимотига эътиқод қилувчиларнинг барчаси ақида бобида Имом Мотуридий ва унинг шогирдлари ҳамда издошлари ёзиб қолдирган қимматли асарларга таяниб иш кўрадилар. Энг эътиборлиси, ислом оламининг аксарият минтақаларида, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Африкада мутуридийлик таълимоти ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитиб келинади.

Юқорида таъкидланганидек, олим ўз замонасидаги адашган оқимларга қарши курашиб, бунда нақлий далиллар билан бир қаторда ақлий далиллардан ҳам фойдаланган ҳолда раддия берган. Олимнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари Қуръони карим таржимасига бағишланган бўлиб, илмий, чуқур мантикий асос устига қурилган.

Ёшларимизга буюк аждодларимизнинг маънавий меросини оммабоп, халқчил тарзда етказиш мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан “Таъвилот ал-Қуръон”нинг 29- ва 30-жузлари асосида алломанинг ҳикматлари жамланган “Таъвилотдан дурдоналар” номли рисола тайёрланди. Унда омонатдорлик, ваъдага вафо қилиш, сабр, саховатпешалик каби инсоний фазилатларни камол топтириш, шунингдек, неъматга ношукрлик, маломатчи нафс, дунёга муҳаббат қўйиш каби ёмон иллатлардан сақланиш борасида Имом Мотуридийнинг қарашлари жамланган.

АЛЛОҲНИ УЛУҒЛАШ

«Раббингизни улуғланг» (*Муддассир сураси, 3-оят*).

Аллоҳни улуғлаш – Унинг чақириқларига ижобат қилиш, буйруқларига итоат этиш билан бўлади. Мана шулар Уни улуғлаш ҳисобланади, фақатгина тил билан “Эй буюк Аллоҳ!” – дейиш билан улуғлаш ҳосил бўлмайди.

Эҳтимол, бу оят “Унинг боласи бор, Унинг шериги бор”, деб айтган ғайри динларнинг сўзидан улуғланг ва поклаб ёд этинг ёки Унинг ҳаққини улуғ деб билинг ва неъматларининг шукрини адо этинг”, деган маъноларни англатиши мумкин. Бу ҳам бизнинг “Аллоҳ таолони севиш Унга итоат этиш ва Унинг амрларига бўйсунуш билан бўлади. Унинг севгиси қалбда пайдо бўлиб, таъсири амалда намоён бўлади”, деган сўзимиз кабидир.

6

АЛЛОҲ ТАОЛONI ЭРТАЮ КЕЧ ЗИКР ҚИЛИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

«Эрталаб ва куннинг иккинчи ярмида Раббингиз номини зикр қилинг!» (*Инсон сураси 25-оят*).

Мазкур оят “Раббингиз исми билан зикр қилинг” ёки **«У Раббисининг исмини ёд этиб, намоз ўқиди»** (*Аъло сураси, 15-оят*) оятида келганидек, “Раббингиз номи ила намоз ўқинг” ёки “Раббингиз номини ёд этинг!” яъни ҳар вақт Уни ёдингизда тутинг, деган маъноларни англатиши мумкин.

Оятдаги بُكْرَةً [букротан] – “эрталаб” сўзидан бомдод намози, أَصِيلاً [асийла] – “куннинг иккинчи ярми” сўзидан эса пешин ва аср намозлари ирода қилинган бўлиши ҳам мумкин.

«Яна кечанинг бир қисмида ҳам Унга сажда қилинг ва узун тунда унга тасбеҳ ҳам айтинг!» (*Инсон сураси 26-оят*).

Агар аввалги «**Эртаю кеч Раббингиз номини ёд этинг!**» ояти фарз намозлари ҳақида бўлса, ушбу оят эса тунги нафл намозлар маъносида бўлиши ҳам мумкин. Агар шу маънода бўлмаса, У Зот гўё: “Раббингизни кеча ва кундузнинг ҳар бир вақтида зикр қилинг” ёки “Раббингизнинг исми ҳатто кеча ва кундузнинг ҳар бир онидан зикр қилинган бўлсин”, дегандек бўлади.

ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ НОЗИЛ ҚИЛИНИШИ

«**Албатта, Биз сизга Қуръонни бўлиб-бўлиб нозил қилдик**» (*Инсон сураси, 22-оят*).

Баъзилар айтишича, оятнинг маъноси “Сизга Қуръонни бўлиб-бўлиб нозил қилдик”. Бўлиб-бўлиб нозил қилишдаги ҳикмат қуйидаги оятда баён этилган:

«**Куфр келтирганлар: “Унга Қуръон битта яхлит ҳолда нозил қилинса эди”, дедилар. Биз сизнинг қалбингизни у билан собитқадам қилиш учун шундай қилдик ва уни дона-дона қилиб ўқидик**» (*Фурқон сураси, 32-оят*). Аллоҳ таоло бўлиб-бўлиб нозил қилишда собитқадам қилиш борлигини айтди. Шунда инсонлар унинг яхлит нозил қилинганидан кўра, бўлак-бўлак нозил қилинган оятларни кўпроқ сақлаб қоладилар ва яхшироқ биладилар.

Аллоҳ таоло ушбу ўринда Қуръонни нозил қилишни Ўзига нисбат берди. Қуйидаги оятда эса уни Жаброил алайҳиссаломга нисбат берган:

«**Уни Рухул амин (Жаброил) олиб келиб, қалбингизга туширди**» (*Шуаро сураси, 193–194-оятлар*). Бошқа оятда бундай дейилган:

«**Албатта, у (Қуръон) мукаррам элчининг сўзидир!**» (*Ҳаққо сураси, 40-оят*).

Бошқа бир оятда бундай дейилган: **«Токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин»** (*Тавба сураси, 6-оят*).

Аллоҳ таоло бошқа бир оятда бундай деган: **«(У) Лавҳул-махфуздадир»** (*Буруж сураси, 22-оят*).

Бу оятларнинг барчаси мажозий гаплар бўлиб, ҳақиқий маънода эмас. Аслида, бу калималарнинг барчасидан нима мақсад кўзланган бўлса, ўша маъно, шунингдек, одамлар ўзаро ушбу гапларни муомалада қайси маънода ишлатсалар, ўша маъно назарда тугилади. Агар: “Бу Лавҳул-махфуздадир”, дейилса, маъноси тушунарли бўлади ва ўша ерда бўлгани англашилади.

Шу ўрингача Қуръони карим бўлиб-бўлиб нозил қилинишининг ҳикмати борасида етарлича маълумот зикр қилиб ўтилди. Шунингдек, Қуръоннинг бўлиб-бўлиб нозил қилиниши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даражаларига қараб эмас, балки у зотга эргашувчиларнинг даражалари эътиборидан бўлиши ҳам мумкин. Чунки Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига уни ёдлаб олишни осон қилиб қўйган. Ҳатто Жаброил у зотга бир марта ўқиб берганида, барча оятларни ёдлаб олар эдилар. У зотга бундай дейилди:

«У (Қуръон)ни тезроқ (ёдлаб) олиш учун тилингизни у билан ҳаракатлантирманг» (*Қиёмат сураси, 16-оят*). Шу тариқа Аллоҳ таоло у зотга ҳифз қилдиришни кафолатлади ва унутишдан омонда бўлдилар. Агар уларга Қуръон яхлит ҳолда нозил қилинганида носих ва мансух оятлар чигал бўлиб қолар эди. Улар носих ва мансух илмини билишлари учун Аллоҳ таоло Қуръонни бўлиб-бўлиб нозил этди. Шунингдек, Қуръон бўлиб-бўлиб нозил қилинса, инсонлар унга яхлит нозил қилингандан кўра кўпроқ иштиёқманд бўладилар ва рағбат қиладилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда бундай деган:

«Ва имон келтирганлар, бирон сура нозил қилинса эди, дерлар. Вақтики, аниқ сура нозил қилинса...» (Муҳаммад сураси, 20-оят). Уларга аввал сура нозил қилинган бўлса ҳам, Аллоҳ азза ва жалла уларнинг яна сура нозил қилинишига бўлган рағбатлари хабарини бермоқда.

«Оламлар Раббисидан туширилгандир» (Ҳаққо сураси, 43-оят).

(Мазкур оятда келган) تنزيل [танзилун] – “**туширилган**” аслида эшитилишни қабул қилмайди (яъни у эшитиладиган нарса эмас). Чунки у нозил қилиш феълидан хабар беришдир. Эшитиладиган нарса – бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилингани, холос.

Аллоҳ таолонинг: “**У (Қуръон), албатта, мукаррам элчининг (Аллоҳ номидан айтган) сўзидир!**” ва “**...нозил қилинган (Китоб)дир**” деган сўзи ҳақиқий маънода эмас, мажозий маънода тушунилишини билдириш учун (Қуръони каримнинг) нозил қилинишини Ўзига боғлаб зикр қилди. Чунки оятда келган تنزيل [танзилун] – бу Аллоҳ таоло нозил қилган нарса бўлгани сабабли шундай аталмоқда. Чунки (Қуръонни) нозил қилиш масъулиятини унга (Жаброил алайҳиссаломга) юклаган Зот айнан Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Нозил қилиш амалининг ярагувчиси – Аллоҳ таоло бўлса-да, Қуръонни айнан Унинг Ўзи олиб тушган, деб тушунилмайди.

«Албатта, у аниқ ҳақиқатдир» (Ҳаққо сураси, 51-оят).

Агар “ҳақ” сўзи хабар маъносида қўлланса, ундан мурод “чин, рост” маъноси бўлади. Масалан, هذا خير حق [ҳазаа хобарун ҳаққун], яъни бу рост хабардир, дейилади. Агар у “ҳукм” билан ишлатилса, ундан мурод адолат бўлади. Агар у амаллар билан ишлатилса, ундан

тўғрилиқ назарда тутилади. Бинобарин, “Албатта, у аниқ ҳақиқатдир” ояти “Албатта, Қуръоннинг оламлар Парвардигори ҳузуридан нозил қилингани рост ва аниқдир”, деган маънода бўлади. Шунинг учун мазкур оят “Оламлар Раббисидан туширилгандир” оятига боғлиқдир.

ОМОНАТДОРЛИК – УЛУҒ ФАЗИЛАТ

«Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилувчилардир» (*Маориж сураси, 32-оят*).

Омонатлар икки хил бўлади: Биринчиси, Аллоҳ таолонинг ўз бандалари зиммасига омонат қилиб юклаган ҳақлари. Иккинчиси, бандаларнинг бир-бирларига омонат қилиб берган ҳақ-ҳуқуқлари, жорий бўлган аҳд-паймонлари, назрлари кабилардир. Бандаси билан Рабби ўртасидаги ва бандалар орасидаги ҳар қандай омонат, ҳар қандай аҳд юқоридаги оят замирига киради.

10

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛИШ

«Улар назрга вафо қиладилар ва ёмонлиги кенг тарқаладиган кундан кўрқадилар» (*Инсон сураси, 7-оят*).

“Назр” бу аҳду-паймон, ваъдадир. Шунингдек, Аллоҳ таоло бу сўз билан Ўзи юклаган барча фарзлар ва ҳақларга вафо қилишни ирода этган бўлиши мумкин. Шунда Унинг фарзлари Унинг аҳди ҳисобланади. Зеро, Аллоҳ таоло оятда бундай амр этади:

«Менинг аҳдимга вафо қилинглар» (*Бақара сураси, 40-оят*).

Шунингдек, “назр”дан Аллоҳ таоло фарз қилган ибодатлардан ташқари (қўшимча равишда) банда Аллоҳ таолога яқинроқ бўлиши учун вазифа қилиб

олган нарсаларни ирода қилган бўлиши мумкин. Бу маънога кўра, оятда мазкур бандаларнинг фарзларни адо этганлари, сўнг Аллоҳ таолога яқинлаштирадиган бошқа нарсалар билан ҳам яқин бўлганлари, натижада назрга вафо қилганлари туфайли мақтовга эришганлари ҳақида хабар берилмоқда.

САБР ИМОНДАНДИР

«Улар (мушриклар) айтаётган сўзларга сабр қилинг ҳамда уларни чиройли тарзда тарк этинг!» (Муз-заммил сураси, 10-оят).

Муфассирлар мазкур оятнинг тафсири борасида бундай деганлар: «Улар сизни ёлғонга чиқаришларига сабр қилинг. Зеро, оят давомида: “(Сизни) ёлғонга чиқарувчи (ўша) неъмат аҳлини Менга қўйиб беринг!” дейилиб, (Расулуллоҳни) ёлғончига чиқарилишига сабр қилишга амр этилдилар. Шунингдек, оят (маъноси) ёлғончига чиқариш ҳамда бошқа азиятларга ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Чунки улар Расулуллоҳни ёлғончига чиқариш билан чекланиб қолмай, у зотни баъзан ёлғончи, баъзан сеҳргар, баъзан мажнун, баъзан эса етим дейишар эди. Хуллас, улар Пайғамбаримизга турли азиятлар етказишарди. Аллоҳ таолонинг “Улар (мушриклар) айтаётган сўзларга сабр қилинг” ояти юқоридаги маъноларнинг барчасини англатади.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳни мушрикларнинг азиятига сабр қилишга чақирди. Сабр буйруғи куйидаги уч кўринишда амалга ошади: биринчиси, сизни ёлғончига чиқарганликлари сабабли сиз ҳам уларни ёлғончига чиқарманг; (иккинчиси) улардан кўрқиб хавфсираманг. Хавфсираш мушрикларга тасалли беради ва улар бундан мамнун бўладилар; (учинчиси) уларга ҳалокат ва ўлим сўраб дуо қилманг, балки сабр қилинг!

“Улар (мушриклар) айтаётган сўзларга сабр қилинг ҳамда уларни чиройли тарзда тарк этинг!”. Ёлғончилик ва жоҳиллик билан таҳқирлашни соғлом ақл ва табиат кўтармайди. Ҳатто ёлғончига ҳам: “Сен ёлғончисан”, дейилса, ғазабнок бўлади ва уни ўзига сингдира олмайди. Шунингдек, бирор кишини “жоҳил” деб аташ ҳам оғир ботади. Модомики, ноқис ақл ва номукамал табиатли кишиларга “ёлғончи” деган нисбатни бериш ёқмас экан, соф ақл ва саломат табиат соҳиби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга “ёлғончилик” нисбатини бериш оғир ботиши ва ундан маҳзун бўлишлари табиийдир.

«Раббингиз учунгина сабр қилинг!» (*Муддассир сураси, 7-оят*).

Демак, ушбу оятда холис Аллоҳ таоло учун сабр қилишга ва шунда содиқ бўлишга чақирик бор.

12

ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ МАШАҚҚАТГА САБР ҚИЛИШЛАРИ

«Бас, сиз Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва улардан бирор гуноҳкор ёки кофирга итоат этманг!» (*“Таъвилот ал-Қуръон”, Инсон сураси, 24-оят*).

Оятда Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломни нафслари ёқтирмайдиган ва унга машаққат туғдирадиган нарса билан синагани, ҳатто у зотни сабрга чақиргани айтилмоқда. Чунки банда неъматлар ва лаззатларга сабр қилишга эмас, аксинча, қийинчилик ва балоларга гирифтор қилинганида сабрга чақирилади. Дарҳақиқат, Набий алайҳиссалом барча қийинчиликларга сабр қилдилар. Зеро, у зот жинлару инсонларга қарши боришга буюрилдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қарши турдилар, мушриклар у зотга ҳар турли озорларни бердилар, ҳатто у зотни ўлдирмоқчи ҳам бўлдилар.

«Улардан бирор гуноҳкор ёки кофирга итоат этманг!» оятида Аллоҳ таоло гўё бундай деган: “Сизни гуноҳкор бўлишга ёки динингиздан воз кечишга даъват қиладиган одамга асло итоат этманг” ёки “Сизни даъват қилган нарсасида гуноҳкорга ёки ғайри динга асло ижобат қилманг”.

САХОВАТПЕШАЛИК

«Ўзлари таомни яхши кўриб турсалар ҳам, уни мискин, етим ва асирга берарлар» (*Инсон сураси, 8-оят*).

Аллоҳ азза ва жалланинг *عَلَى حُبِّهِ* [ъала хуббиҳи] деган сўзи “ўзлари қаттиқ хоҳлаб, унга эҳтиёжлари бўлса ҳам, етим-есирларга берадиганлар”, деган маънони билдиради.

Бир нақлда айтилишича, маъно “таом азиз бўлса-да, уни едирадилар” бўлади. Яна бир тафсирда “улар ҳаётдан умид узган вақтида эмас, балки таомни яхши кўрадиган ва унга ўч бўлган вақтларида бошқаларга едирадилар”, маъносини англатади. Бинобарин, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисда: “*Садақанинг энг яхшиси сен соғлом, очкўз бўлиб, яшашдан умид қилиб, фақирликдан қўрққан ҳолингда берганингдир*”, деганлар”.

Баъзи муфассирларнинг айтишларича, “**Албатта, Биз сизларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун овқатлантирамиз. Бунинг эвазига сизлардан мукофот ёки ташуккур хоҳламасмиз**” (*Инсон сураси, 9–10-оятлар*), деган сўзларни улар айтмаганлар. Лекин уларнинг қалбларидан ўтган бу нарсани билган Аллоҳ таоло инсонлар рағбат қилишлари учун уларни мақтаган. Назар солсангиз, улар асирлардан ҳам мукофот ва миннатдорчилик кутмасдан туриб, уларни

таомлантирганлар. Демак, улар бу амали билан фақат Аллоҳ таолонинг розилигини ва Унга яқин бўлишни мақсад қилганлар.

ГУНОҲДАН САҚЛАНИШ

Мўминлардан ҳам баъзи ўринларда хато ва камчиликлар содир бўлиб турганидек, ғайри динлар ҳам баъзида яхши ишлар қилиб туришади. Аммо улар ўз яхшиликларининг мукофотини шу дунёнинг ўзида оладилар. Чунки улар охиратга ишонмайдилар. Охиратга ишонмаганларидан кейин қилган амаллари ҳам охират савоби умидида бўлмайди. Бунинг акси ўларок, мўминлар томонидан қилинган гуноҳларнинг жазоси шу дунёнинг ўзида берилиши мумкин. Охиратга эса мўминларнинг фақат яхши амаллари олиб қўйилади ва шунга яраша мукофотланадилар. Мўмин банданинг гуноҳлари қилган хайрли амаллар сабабли ювилиб кетиши мумкин. Чунки савобли амаллар гуноҳларни ўчириб юбориши ҳақида Аллоҳ таоло бундай деган:

“Албатта, савобли ишлар гуноҳларни кетказди”
(*Ҳуд сураси, 114-оят*).

Мўмин банданинг гуноҳи шу дунёнинг ўзида мағфират этилса, у охиратда қилган гуноҳи сабабли азобга мубтало бўлмайди. Аллоҳ таоло мўминларни қилган гуноҳларига яраша жазолаб, сўнгра имони ва бошқа савобли амаллари туфайли уларни афв этиши мумкин. Демак, алал оқибат ҳар бир мўмин жаннатга киради.

«Дарҳақиқат, мен ҳисоб-китобимга рўбарў бўлишимни билар эдим» (*Ҳаққо сураси, 20-оят*).

Мазкур оятдаги ظَنَنْتُ [зонанту] – “билар эдим” иборасини уч хил талқин қилиш мумкин:

Биринчиси, мўмин банда: “Мен дунёда қилган гуноҳларим учун қаттиқ ҳисобга тутиламан, улар учун иқобга олинаман ва жазоланаман, деб ўйлар эдим. Ҳозир ҳам бу куннинг даҳшатини кўриб, гуноҳларим (учун жавоб бериш)дан қочиб қутулмасам керак, деб ўйлаб турган эдим. Бирдан, гуноҳларим кечирилгани ва хатоларим ювиб юборилганини кўрдим” дейди.

Иккинчиси, “Мен дунёда хатолик ва янглишишлардан иборат нохушликларга рўбарў бўлганимда (агар бу гуноҳни содир этсам), улар билан Аллоҳ таолога йўлиқаман, деб ўйлаганим учун улардан тийилиб, ўша ишларни қилишдан сақланган эдим”. Оятнинг мазкур талқинида банданинг нажотга эришиш сабаби баён қилинмоқда.

Учинчиси, қуйидагича бўлади: “Мен ўзим ҳақимда тафаккур қилиб, менга ўхшаганлар бекордан-бекорга яратилмаган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди, деб ўйладим. Бундай ўйлаш мени аниқ ишончга олиб борди ва мен имон келтириб, пайғамбарларни тасдиқладим. Шундай қилиб, мен илк ўйловим ва тафаккурим сабабли нажот топдим”. Валлоҳу аълам!

ТУНДА ИБОДАТ ҚИЛИШ

«Албатта, кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш баданга оғирроқ, (лекин) зикрга муносиброқдир» (*Музаммил сураси, 6-оят*).

Музаммил сурасидаги тунда бедор бўлиб, ибодат қилиш масаласида келган оят изоҳида Имом Мотуридий бундай деган: “Инсон кундузи ер узра айланиб юришга, тунда ором олишга одатланган. Борди-ю, инсон тунни бедор ўтказиб, тик туришга буюрилса, бу унга ва танасига оғирлик, қийинчиликни пайдо қилади. Бундан

ташқари, инсон кундузи айнан бир жойда мунтазам тик турмайди, балки бир жойда оз муддат туриб, яна бошқа жойга ўтади. Борди-ю, бир жойда тик туришга буюрилса, бу унга оғирлик қилиб, малолланиши ва қийналиши мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса туннинг ярми давомида ёки ундан кўпроғида тик туришга буюрилдилар. Бу ишда эса оғир меҳнат ва машаққатли қийинчилик бордир”.

Муззаммил сурасидаги тунда бедор бўлиб, ибодат қилиш масаласида келган оят изоҳида “Таъвилот ал-Қуръон” китобида бундай дейилади: “Инсонлар рўзгор талаби ва дунёвий юмушларни тартибга солиш мақсадида кундузи турли томонларга тарқайдилар. Кечаси эса дам олиб, куч йиғиш учун ухлайдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳтиёждан ортиқча мол-дунё орттиришдан қайтарилганлари каби, тунларни роҳат-фароғатда ўтказишдан ҳам қайтарилганлар. У зот тунда зарурат миқдорича дам олиб, қолган вақтни ибодатда ўтказишга буюрилган эдилар.

НАМОЗНИ ЎЗ ВАҚТИДА АДО ҚИЛИШ

«Фақат намозхонлар бундан мустасно. Улар намозларида доим бўладиганлардир» (Маориж сураси, 22–23-оятлар).

Аллоҳ таоло шуни баён қилмоқдаки, намозни дангасалик билан адо этадиган, унда бардавом бўлмайдиган, ўз молларидан истамаган ҳолда хайр-эҳсон қиладиган кимсалар на намозни баркамол адо этадилар ва на нафсларини тарбия қиладилар. Нафсини тарбиялайдиган инсонларгина намозларини тўқис адо қиладилар.

“Намозларида доим бўладиганлардир” оятидаги “доим бўлиш” (фазли) уларнинг билган нарсаларига қатъий амал қилиш, яъни намозни ўз вақтида ва давомли адо этишларида намоён бўлади. Намозда мунтазам бўладилар, деганда уларнинг ҳамиша намоз ичида бўлишлари тушунилмайди. Буни Расулуллоҳнинг: *“Амалларнинг Аллоҳ таолога энг суюқлиси оз бўлса-да, давомли бўлганидир”*, ҳадиси орқали тушуниб олишингиз мумкин. Зеро, у зот: *“давомли бўлганидир”*, деганларида мўминларнинг ҳамиша мазкур амаллар ичида бўлишларини эмас, балки ўз вақтида адо этишларини назарда тутганлар.

ҚАРЗ БЕРИШ

Аллоҳ таолонинг: **«Ва Аллоҳга “қарзи ҳасана” беринглар!»** (*Муззаммил сураси, 20-оят*) оятидаги “қарз” сўзи араб тилида “кесмоқ” маъносини ифодалайди. Араб тилида *قرض الفأر الجراب* [қаразал фаъру ал-жироба] – “сичқон мешни тешди” деган жумла бор. Шунинг учун ҳам у “қарз” сўзи билан ифодаланган. Чунки инсон ўз молидан сўралган қарзни “кесиб олиб” бошқа кишига беради. Шунингдек, инсон садақа қилиш орқали маълум миқдорни (гўё) “кесиб олади” ва холис Аллоҳ таоло учун сарф қилади. Шунинг учун ҳам у “қарз бериш” деб аталади.

Хайру эҳсон қилувчилар фақирларга миннат қилмасликлари учун Аллоҳ таоло оятда қарзнинг нисбатини Ўзига бериб: **“Ва Аллоҳга “қарзи ҳасана” беринглар!”** деди. Чунки қарз бериш (аслида) инсон билан Раббиси ўртасида ҳосил бўлади. Фақир эса ушбу ибодатни амалга оширишда саховатли инсонга ёрдамчи ҳисобланади. Чунки инсон воқеликда ҳожатидан ортиқча молни ўзи ишонган кишига (кейинчалик) муҳтож бўлганида

қайтариб бериш шарти билан қарз беради. Инсон уни Аллоҳ таоло йўлида беради ва эҳтиёж сезганида, яъни қиёмат кунда, албатта, унинг самарасини топади.

ИНСОН ТАБИАТИ ВА НАФС ТАРБИЯСИ

«Агар унга ёмонлик етса, чидамсиздир. Ва агар яхшилик етса, кўп ман қилувчи (бахил)дир» (*Маориж сураси, 20–21-оятлар*).

18 Яъни инсон нафси кўлидаги нарсани (эҳсон, садақа қилиб) чиқаришга рози бўлмайди. Демак, мазкур оятда инсон ана шундай аҳволда, яъни хасис, шошқалоқ ва сабрсиз қилиб яратилгани хабар берилмоқда. Инсон ўзига фойдаси тегадиган нарсани яхши кўрадиган, ёқтирмайдиган ва озор берувчи нарсаларни ёмон кўрадиган қилиб яратилгандир. Аллоҳ таолонинг буйруқларини тўқис адо этган кишиларга У Зот ваъда қилган неъматларни ёдга олса, бу нарса уни хайрли ишларга шошилишга, охиратда ваъда қилинган нарсаларга етишиш учун дунёда яхши кўрган нарсасини тарк қилишга ундайди. Чунки инсон зоти аслида ўзи лаззат оладиган нарсаларни яхши кўрадиган қилиб яратилгандир.

Аслида бахиллик, хасислик, шошқалоқлик каби қораланган хулқ-атворлар инсоннинг табиатида бор ва булар унинг туғма хусусияти бўлса-да, инсонга ўз нафсини тарбия қилиш имкони берилган. У нафсини ўша қораланган табиатлардан халос қилиб, уларнинг акси бўлган мақтовли феъл-атвор ҳамда ёқимли сифатлар доирасига киритиши мумкин. Шунинг учун инсон ўз нафсини тарбия қилиши лозим бўлади. Ахир, инсон йиртқич ҳайвонларни қўлга ўргатиб, уларни инсонлардан қочиш, итоат қилишдан бош тортиш каби табиий хусусиятларидан чиқариб олиш имконига эга. Шу

даражадаки, улар бориб-бориб одамларга бўйсуниб, итоат этадиган ҳайвонларга айланиб қоладилар. Натижада одамлар улардан доимий равишда фойдаланишга муяссар бўладилар. Худди шунингдек, инсон ўз нафсини ҳам тарбия қилса, уни ўзининг асл хилқатидан чиқариб, ўзига итоаткор қилиб олиши мумкин. Ана шунда ундан сўралган нарсани (яхшиликларни) чин кўнгилдан адо этиши осон кечади. Нафсни тарбия қилиш туфайли инсоннинг оғир ишларга бардош қилиши энгил кечади.

Инсон аслида лаззатланадиган нарсаларни яхши кўрадиган ва озорга, азобга сабаб бўладиган нарсаларни ёмон кўрадиган қилиб яратилган бўлса-да, унда ўша лаззатли нарсани ундан ҳам лаззатлироғи учун тарк қилиш хусусият ҳам мавжуд. Шунингдек, (бошига келган) азият ва мусибатдан кўра каттароқ мусибатдан қутулиш мақсадида (нисбатан кичик азият ва мусибатга) бардош берадиган ва сабр-тоқат қиладиган этиб яратилган. Шундай экан, инсон дунё неъматларини охираат неъматлари билан, иккита лаззатнинг яқинроқдагисини узокдагиси билан солиштирадиган бўлса, охираат лаззати буюкроқ ва абадийроқ эканини кўради. Шунда энг яқин икки лаззатни узокдаги икки лаззат учун тарк қилиши энгил кечади. Агар дунё мусибатини охираат мусибати билан, дунё азобини охираат азоби билан солиштириб кўрадиган бўлса, охираат азобининг қаттиқ ва абадий экани маълум бўлади.

(Ҳаётда) инсоннинг келажакдаги лаззатлар умидида нақд лаззатларни тарк қилишига ва шу туфайли қийинчиликлар унга энгил кечишига далолат қилувчи ҳолатлар кўп. Гоҳида инсон учун сафарга чиқиб, оламни кезиш, сафар машаққатларига сабр-тоқат қилиш, ҳаётини хавф ва оғир вазиятлар остига қўйиш ҳамда лаззатларни тарк

этиш осон кечиши мумкинлигини кўрасиз. Масалан, тижорат қилиш, унинг ортидан фойда ва даромад қилиш мақсадида ўз юртини қўйиб, олис юртларга сафар қилган киши сафар давомида ўзига етадиган қийинчиликлар ва машаққатларга чидайти, чунки у ўзи тарк қилиб кетаётган лаззатлардан кўра каттароғига эришишни умид қилади. Шунга кўра, инсон охират неъматлари ҳақида фикр юритса, ундаги азоблар ҳақида (чуқур) тафаккур қилса, дунёдаги нақд лаззатлардан воз кечиши осон бўлади ва қийинчиликларга бардош бериши енгил кечади.

Оятнинг яна бир маъноси шуки, инсон табиатан лаззатларни яхши, қийинчиликларни эса ёмон кўрадиган қилиб яратилгани учун ўзи яхшиқўриб турган нақд нарсани келажак жаннатга алмаштиришга буюрилган. Шундан келиб чиқиб, у мудом келажакда бўладиган ўша неъматларга олиб борадиган амаллар билан банд бўлади. Шунингдек, у келажакда бўладиган азоблардан қочишга буюрилгани учун улардан кутулиб, нажот топишига сабаб бўладиган амалларга доимо жидду жаҳд қилиб яшайди. **Валлоҳу аълам!**

20

ОМОНАТГА БЕРИЛГАН РУҲ

«Албатта, Биз инсонни аралаш нутфадан яратдик. Уни синаймиз. Бас, уни эшитадиган, кўрадиган қилдик» (*Инсон сураси, 2-оят*).

Инсон нутфалигида ҳам, алақа (лахта қон)лигида ҳам, музга (чайналган гўшт – эмбрион)лигида ҳам ҳали “инсон” бўлмаган. Аммо шу нутфа ва алақанинг яратилишидан мақсад – инсондир, яъни нутфа босқичма-босқич такомиллашиб бориб инсонга айланади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилган: “*Бирор иш қилмоқчи бўлсанг,*

унинг ниҳоясини чамалагин. Агар яхши бўлса, уни амалга ошир, агар ёмон бўлса, уни тўхтатгин”. У зот ишларнинг ниҳоясига назар солишни амр қилдилар. Ишларнинг ниҳояси аввалдан мақсад қилинар экан, демак, у гўё аввалда ҳам мавжуддек бўлади. Шу сабабли инсоннинг нутфа, алақа ва музғага нисбат берилиши тўғри бўлади.

“Биз инсонни нутфадан яратдик” оятида Одам алайҳиссалом авлодлари назарда тутилган. Демак, “инсон”нинг маъноси у зотнинг авлодларидир. Сўнг (Аллоҳ таоло) панд-насихат олсинлар деб уларнинг аввалги ҳолати ва оқибати, яъни ўлимни зикр қилди. Панд-насихатнинг маъноси шуки, инсонлар аввалдаги ҳолати ҳамда оқибати нима билан тугагини билсалар, баданларидаги жонлари ўзлариники эмаслиги, балки у фойдаланишга олинган нарса ёки омонат эканини англаб етадилар. Зеро, ибтидода яралишга уларнинг ҳеч қандай алоқалари йўқдир.

Омонат олган шахснинг вазифаси омонатни сақлаш, уни ҳимоя қилиш ва омонат эгасига хиёнат қилмасликдир. Мабодо, омонатга хиёнат қилса, уни сақламаса, таънадашномга қолади. Аксинча, уни сақлаб, ҳақларига риоя қилса, омонат эгасидан мақтов ва эътирофга сазовор бўлади. Фойдаланишга бирор нарсани олиб турган шахснинг вазифаси то рухсат этилган муддат келгунича ундан фойдаланиб, унга зиён етказмаслигидир. Мободо уни зое қилса, жаримаси ва бадалини тўлаши лозим бўлади.

Худди шу каби, инсонлар ўз жонлари баданларининг ичида фойдаланишга олинган омонат эканини билсалар, унинг риоясини қилиш ҳамда рухсат этилган тарзда ундан фойдаланиш кераклигини англаб етадилар.

Иккинчиси, яратилишнинг аввалига ҳамда интиҳода нима билан тугашига назар солиш қайта тирилиш ва пайғамбарлар олиб келган барча (илоҳий) хабарларни тасдиқлашга ундайди. Чунки яратилишнинг аввалидаги ҳолат ҳақида чуқур тафаккур қилинса, Аллоҳ таолонинг ажойиб қудрати ва нозик ҳикмати намоён бўлади. Шунингдек, инсон шу даражада ҳикматли Зотнинг мавжудотларни яратишдан мақсади фақатгина уларнинг йўқ бўлиб кетишлари эмаслигини англайди. Бу эса уларни қайта тирилишни тасдиқлашга ундайди.

Бундан ташқари, яратилишнинг дастлабки ҳолатига ва ўлимдан кейинги ҳолатга назар солиш кибрни йўққа чиқаради. Сабаби, инсоннинг пайдо бўлиши одамлар жирканадиган нутфа, алақа ва музғадандир. Вафот этганидан кейин эса жирканч мурдага айланади. Кимнинг ҳолати шундай бўлса, кибрланишга ҳаққи йўқдир. Инсоннинг аввалги ва охириги ҳолатларини эслатишда улар ибрат олишлари, кўзларини очишлари учун эслатма ҳамда ўзлари каби инсонларга кибр қилиш яхши эмаслигини билдиради.

22

НЕЪМАТГА НОШУКРЛИК

«(Сизни) инкор этувчи (ўша) неъмат аҳлини Менга қўйиб беринг ва уларга озгина муҳлат беринг!» (*Муззаммил сураси, 11-оят*).

Муззаммил сурасининг 11-ояти тафсирида *النَّعْمَةُ* [ан-наъмату] ва *الْبَغْمَةُ* [ан-ниъмату] сўзлари орасидаги фарқ тўғрисида бундай дейилади: *النَّعْمَةُ* [ан-наъмату] – бандага истидрож сифатида ва ҳалокатига сабаб бўлиши учун бериладиган неъматлардир. Бу маъно Аллоҳ таолонинг куйидаги оятида акс этган:

«Яна (қанчадан-қанча) ўзлари баҳраманд бўлган неъматларни (қолдириб кетдилар)» (Духон сураси, 27-оят).

النِّعْمَةُ [ан-ниъмату] – Аллоҳ таолонинг бандаларига берган фазлу икромидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган: **«Сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини тўкис қилиб қўйди» (Луқмон сураси, 20-оят). Валлоҳу аълам!**

МАЛОМАТЧИ НАФС

“Ва маломатчи нафс билан қасам” (Қиёмат сураси, 2-) оят шарҳида бундай дейилади: “Маломатчи нафс қандай нафслиги борасида турли қарашлар бор: 1. Раббисидан шикоят қиладиган имонсиз нафс. 2. Бошқаларга берилган нарсаларни кўриб маломат қиладиган нафс. 3. Охиратда хасратда қолган эътиқодсиз нафс. 4. Охиратда бошқаларга берилаётган кўпгина ажрларни кўриб, ўзининг амали камлигидан маломат қиладиган нафс. “Маломатчи нафс”ни охиратда дини бўлмаган нафс деб изоҳлаш энг муносиб шарҳдир.

23

ДУНЁГА МУҲАББАТ ҚЎЙИШ

«Албатта, анавилар нақд (дунё)ни яхши кўрадилар ва оғир кунни эса ортларида қолдирадилар» (Инсон сураси, 27-оят).

Нақд (дунё)га муҳаббат халойиқнинг табиатида мавжуд. Чунки ҳамма мавжудот бирор нарсдан фойдаланиш ва роҳатланиш муҳаббати ила яратилган. Улар табиатлари ва хилқатларида бўлган нарсага муҳаббат қўйиш билан маломат қилинмайдилар. Лекин кимки дунёга муҳаббат қўйиб, фақат уни ихтиёр этса ва уни

дунёнинг яратилиш мақсадидан устун қўйса, маломатга дучор бўлади. Дунё аслида охират неъматларини ҳамда доимий пок ҳаётни қўлга киритиш учун яратилган. Ким дунёни шу мақсадда яхши кўрса, маломатга қолмайди ва таънага ҳам учрамайди. Кимда-ким дунёга дунё сабабли муҳаббат қўйса, шу сабабли уни бошқа нарсалардан устун қўйса ва шу мақсадда уни қўлга киритса, у маломатга қолади. Инсонлар бу борада бир хил эмаслар.

Дунёга муҳаббат қўйиш кимнидир Аллоҳ таолонинг ёлғизлиги ва улуҳиятини инкор қилишга ундайди. Дунёга муҳаббат қўйиш кимнидир пайғамбарларни инкор қилиш, уларга душманлик қилиш ва ҳақни тан олмасликка ундайди.

Дунёга муҳаббат қўйиш кимларнидир унинг қайта тирилиш ҳақлигини ва амалларга яраша жазо-мукофот (борлиги)ни инкор қилишига сабаб бўлади.

24

Кимнингдир унга бўлган муҳаббати пайғамбарлар ўртасини ажратишга ундайди, яъни улар баъзи пайғамбарларга имон келтириб, қолганларини инкор қиладилар.

Инсонларнинг дунёга қўйган муҳаббатлари ордидан биз айтиб ўтган нарсалар пайдо бўлади ва шу сабабдан улар маломатга қоладилар. Шунингдек, Аллоҳ таоло дунё учун эҳсон қилишнинг фойдасизлиги ҳақида ҳам бундай марҳамат қилган:

«Уларнинг бу дунёда қилган эҳсонлари изғирин шамолга ўхшайди» (Оли Имрон сураси, 117-оят). Ким дунё учун инфоқ қилса, қилган эҳсони оятда зикр қилингандек ҳолда бўлади. Чунки у инфоқни асл мақсаддан бошқа нарса учун қилмоқда. Демак, (унинг ҳоли) оятда зикр қилинганидек бўлади. Шунинг учун, ким дунёни доимий лаззатли неъматлар ва узлуксиз боқий ҳаётни қозониш учун эмас, балки фақат шу дунёси учун яхши

кўриб, фақат уни ихтиёр этса, (оятда) зикр қилинган ҳолатда бўлади.

Қуръонда дунёнинг зикри келса, ортидан, албатта, охират ҳам зикр қилинади. Агар инсон зикр қилинганидан сўнг охират зикр қилинса, бу ҳолатда охиратни “унинг олдида” деб айтилади. Чунки инсон охират томон юзланади, шу сабаб охират унинг олдида ва қаршисида ҳисобланади. Бироқ (инсон зикр қилинганидан сўнг) дунё зикр қилинса, “унинг ортида” деб айтилади. Зеро, дунё охиратнинг ортида қолади. Бошқанинг ортида қолувчи нарса “ундан кейин” ҳамда “унинг ортида” бўлади. Сабаби бу (охират) у (дунё) фоний (ҳалок) бўлганидан сўнг пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам, (аҳвол) Аллоҳ таоло зикр қилгандек бўлади.

ТИЛАНЧИЛИКДАН САҚЛАНИШ

«Уларнинг молу мулкларида маълум ҳақ бор. Тиланчи ва маҳрумлар учун (Маориж сураси, 24–25-оятлар).

“Маҳрум” кимлиги борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашганида у зот: “Маҳрум – одамларнинг хурмоси мева берганида уники мева бермайдиган, одамларнинг экини унганида, уники унмайдиган ва одамларнинг қўйи сут берганида, уники сут бермайдиган киши”, деб жавоб берганлар. Ҳасан (Басрий): “Маҳрум – (ночорликдан) ҳалок бўлса ҳам, тиланчилик қилишдан ўзини тиядиган кишидир”, деган.

ЗИНОДАН ТИЙИЛИШ

«Ва улар ўз фаржларини сақлайдиганлардир» (Маориж сураси, 29-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда авратини (зинодан) сақлаш ҳақида амр этган, аммо ниманинг ёрдамида сақланишни зикр қилмаган. Бу бир қатор хислатлар ёрдамида амалга оширилади: 1. Инсон ўз қалбига Аллоҳнинг буюклиги ва ҳайбатини жо қилиши ҳамда охиратдаги азобидан қўрқиши билан; 2. Инсон ўзини пок тутиши учун Аллоҳ таоло сабаб қилиб яратган никоҳ билан чекланса, шу нарса уни зинодан тўсади; 3. Рўза тутиб, қорнини оч қолдириш билан. Чунончи, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким уйланишга қодир бўлмаса, рўза тутсин. Чунки рўза унинг учун бичилишдир”*, деганлар; 4. Аёлларга қарашни тарк қилиш, улар билан ёлғиз қолмаслик, фожирлар ва (қалбга) шак-шубҳа соладиганлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслик орқали зинодан сақланади.

ҚАЙТА ТИРИЛТИРИШ

«Ҳа, Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга қодирмиз» (*Қиёмат сураси 4-оят*). Дастлаб инсоният яхлит шаклда яратилган, қайта тирилтирилганда эса сочилиб кетган суяклар яна жамланади. Ақл ўз навбатида қайта тирилишнинг дастлабки яхлит шаклда яратишдан кўра осонроқ эканини исботлайди. Дастлабки шаклда суякларни яратиш қийин бўлмаган Зотга қайта тирилтиришда сочилган суякларни жамлаш қандай ҳам қийин бўлсин, ваҳоланки, У дастлабки яратишда суякларни жамлаган-ку? Инсонларнинг бармоқлари яхлит қилиб яратилмаган экан, улар бунда ҳикмат борлигини англашлари керак.

«Биз уларни яратдик ва хилқатларини мустаҳкам қилдик. Ва агар хоҳласак, (уларни) уларга ўхшаш (бошқа одам)ларга алмаштириб қўйурмиз» (*Инсон сураси, 28-оят*).

Оят ғайри динлар инкор қилган нарсага қарши хужжат ўрнида келмоқда. Аллоҳ таоло гўё бундай дейди: “Улар биладиларки, Биз уларни аввал бошда яратганмиз, Биз уларнинг қувватларини ёки (иккинчи маънога кўра) хилқатларини мустаҳкам қилиб қўйганмиз. Шунингдек, Биз уларнинг алоҳида аъзоларини, тарқоқ бўғимларини бириктириб қўйганмиз. Агар хоҳласак, уларни ўзлари каби (бошқа одам)ларга алмаштириб қўя оламиз. Энди нима учун улар Бизнинг ўлимдан кейин қайта тирилтиришга қодирлигимизни инкор қиладилар?” Яъни У Зот: “Мазкур ишларга қодир Зотни ҳеч нарса ожиз қолдира олмайди ва У қайта тирилтиришга бундан ҳам кўра қодирроқдир”, демоқда.

Оятдаги хитоб қайта тирилишни инкор этувчиларга қаратилган бўлса, бу уларни ажойиб ва улуғвор нарсаларни билишга чорлайди. Аллоҳ таолонинг: **“Ал-Ҳааққоҳ нималигини сенга нима билдирди?!”** оятдаги ҳайратланишда муболаға бордир. Қайта тирилишни инкор этувчилар ушбу оятни мулоҳаза қилиб, тушунсалар, бунинг ўзи уларни имонга чорлайди. Натижада, оят (инсонларни) қизиқтириш ва қулоқларини ўзига жалб қилиш маъносида экани аён бўлади.

Борди-ю, (оятдаги) хитоб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга қаратилган бўлса, унинг таъвили бундай бўлади: “Қайта тирилишни инкор этувчилар Расулulloҳга макр қилганлари учун у зот улардан озорландилар ва бу Пайғамбаримизга оғир ботди. Шунинг учун Аллоҳ таоло мушрикларнинг бошларига тушадиган ва тушиши ҳақ бўлган азобни зикр қилмоқда”. Агар шундай деб таъвил қилинса, мушриклардан етган азият учун Пайғамбаримизга тасалли бериш маъноси юзага чиқади. Ёки Аллоҳ уларнинг бошига келиши

муқаррар бўлган азобни Пайғамбаримизга эслатиб, уларнинг қилмишидан хафа бўлмасликка чақирди. Бу Расулуллоҳни ғайри динларга нисбатан шафқатли ва меҳрибон бўлишга чақиради.

Агар оятдаги хитоб қайта тирилишни инкор этувчи кимсаларга қаратилган бўлса, демак, унда маккаликларни кўрқитиш ва даҳшатга солиш бордир. Борди-ю, улар Пайғамбарларини “қайта тирилтириш борасидаги” хабарида ёлғончига чиқаришса, Од ва Самуд қабила-ларига тушган азобга гирифтор бўладилар. Зеро, улар ҳам ўз пайғамбарларини ёлғончига чиқарганлари сабаб-ли азобга мубтало бўлган эдилар. Маккаликлар у икки қабилага тушган азобдан бохабар эдилар. Борди-ю, оятдаги хитоб Расулуллоҳга қаратилган бўлса, унда Од ва Самуд қабилаларининг зикр қилинишида Пайғам-баримизни уларнинг азиятига сабр қилишга чорлаш ва тасалли бериш маъноси бордир. Чунки Аллоҳ таоло: “Сиз (ўз қавми тарафидан) ёлғончига чиқарилган дастлабки пайғамбар эмассиз. Аксинча, Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончига чиқарилганлар ва шу билан имтиҳон қилинганлар”, деди (Шу орқали Аллоҳ таоло Расулуллоҳга тасалли бермоқда).

28

ҚАЙТА ТИРИЛТИРИШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД

«Инсон Бизни унинг суякларини жамлай олмас, деб ўйларми? Ҳа, Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга қодирмиз» (*Қиёмат сураси, 3-4-оятлар*). Дастлабки яратиш имтиҳон ва синов учун бўлган. Суяклар сочилиб кетганидан сўнг уларни қайтадан бир жойга жамлаш эса, (итоатсизларга) жазо ва (итоатчиларга) мукофот учун бўлади. Қайта тирилтириш

дастлабки пайдо қилишдан бошқа мақсадда бўлса, у тўғри ва ҳикматга асосланган бўлади. Борди-ю, иккинчи яратиш билан дастлабки пайдо қилишнинг мақсади ва сабаби бир бўлса, ҳикмат қолмайди. Чунончи, бир киши қандайдир мақсадда қурган уйини бузиб, яна бир бошқа мақсадда уни қайта курса, эътироз билдирилмайди.

МЎМИНЛАР ҚИЁМАТДА АЛЛОҲ ТАОЛONI КЎРАДИ

«У Кунда баъзи юзлар яшновчи, Парвардигорларига боқиб турувчидир» (*Қиёмат сураси, 22–23-оятлар*).

Одатда подшоҳлар халққа ўзини намойиш қилмай, фақат яқинларигагина кўринадилар. Улар қайсидир инсонга яқин бўлишса, ўртадаги тўсиқни олиб ташлайдилар. Подшоҳларнинг ўртадаги тўсиқни олиб ташлаб, кимгадир кўриниш беришлари, унга берилган инъомлардан устундир. Аллоҳ таолонинг ўз дўстларини жамолини кўришга муяссар қилиш билан сийлаши ва унга шу билан фазл кўрсатиши мумкин. Аллоҳ таолони кўришни кайфият билан сифатламаймиз. Чунки кайфият суратга эга нарсаларга тегишлидир. Аллоҳ таоло эса кайфиятсиз кўрилади.

29

АЛЛОҲ МЎМИНЛАРНИ ОХИРАТДА САҚЛАЙДИ

«Бас, Аллоҳ уларни ўша куннинг ёмонлигидан сақлади ва уларга хушрўйлик ҳамда хурсандчилик ато қилди» (*Инсон сураси, 11-оят*).

“Ўша куннинг ёмонлигидан сақлайди” жумласи ўша куннинг даҳшатидан сақланишлари ҳамда жаҳаннам ва унинг даҳшатларини кўрмасликлари маъносида эмас, балки ўша кунда ваъда қилинган уқубат ва жазодан

сақланишлари маъносида бўлиши мумкин. Шунингдек, У Зот уларни ҳисоб-китоб вақтидаги сўроқ-саволдан сақлайди, маъносида бўлиши ҳам мумкин. Зеро, Аллоҳ таоло бундай деган:

«“Дарҳақиқат, мен ҳисоботимга рўбарў бўлишимни билар эдим”, – дер» (*“Ал-Ҳаққо сураси, 20-оят*).

Улар ўзларининг қаттиқ ҳисоб-китоб қилинишларидан кўрқиб турганларида гуноҳлари кечирилиб, яхшиликлари мақбул бўлганини кўрсалар, бундан жуда хурсанд бўлиб, у куннинг ёмонлигидан сақланган бўладилар.

Оятнинг яна бир маъноси “Улар қабрдан қайта тирилган вақтларида қиёмат кунининг даҳшат ва кўрқинчларидан омонда бўладилар ва фаришталар уларга хушxabар етказадилар”, бўлиши ҳам мумкин. Зеро, Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта, Биздан уларга яхшилик раво кўрилганлар, ана ўшалар, ундан узоқлаштирилгандирлар» (*Анбиё сураси, 101-оят*).

«Уларга хушрўйлик ҳамда сурур ато қилади» оятидаги “сурур” уларда хафагарчилик бўлмаслигидир, “хушрўйлик” эса, неъматлар асоратидир. Бир нақлда, хушрўйлик уларнинг юзларида, сурур эса қалбларида бўлиши айтилган.

«Ва сабр қилганлари учун уларни жаннат ва ипак билан мукофотлайди» (*Инсон сураси, 12-оят*).

Яъни тоат-ибодатларга ҳамда Аллоҳга осийлик бўладиган ишлардан сабр қилганлари учун улар жаннат билан ҳам, ипак билан ҳам мукофотлайди.

Жаннатлар асосан кийимлар эмас, балки егулик ва ичимликлар билан ҳам роҳатланиш ўрни бўлгани учун ипак ҳам (кўшиб) зикр қилинди. Яъни Аллоҳ таоло уларга жаннатни мукофот қилиб бериш билан бирга, ипак либосларни ҳам ваъда қилди.

ЖАННАТ ВАСФИ

«У ерда сўриларда суянган ҳолдалар. У ерда қуёшни ҳам, совуқни ҳам кўрмаслар» (*Инсон сураси, 13-оят*).

«У ерда қуёшни ҳам, совуқни ҳам кўрмаслар». Зеро, у ерда қуёш ҳам, совуқ ҳам йўқ, балки унинг соясалқини доимий ва узоқларга чўзилгандир.

Бундан кўзланган маъно қуйидагича бўлиши ҳам мумкин: жаннатнинг ёруғлиги қуёш билан эмас, балки ўзи ёруғ қилиб яратилгани учун бўлади. Чунки дунёда ёруғлик қуёш билан ҳосил бўлиб, кундузнинг ёруғлиги қуёш билан бўлади. Улар жаннатда совуқни кўрмасликлари айтилди. Буни айтиш, жаннат ичимликларининг ширинлиги ва салқинлиги дунё аҳли ичимлигига ўхшаб, турли ҳолларда ўзгариш билан эмас, балки улар асли шундай ҳолда яратилганини билдириш учундир.

Ёки булар иссиқлик ва совуқлик бўлмаслигини зикр этишдан мақсад жаннат аҳлининг иссиқлик ва совуқлик сабабли асло азият чекмасликларини билишлари учундир.

«Ва унинг соялари уларга яқин ва мевалари жуда юмшоқ қилиб қўйилгандир» (*Инсон сураси, 14-оят*).

Бу оят сифатлари юқорида ўтган яхши кишиларга жаннат соялари яқиндир, деган маънода бўлиши мумкин. Зеро, Аллоҳ азза ва жалла бундай деган:

«Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир» (*Аъроф сураси, 56-оят*).

Жаннат соялари яқинлиги зикр этилишининг сабаби шуки, соя яқин бўлмаса, ундан фойда бўлмайди. Бир нақлда айтилишича, мазкур соялар жаннат аҳлига яқин бўлган дарахт шохларининг соясидир, чунки жаннатда порлайдиган нур бўлиб, дарахтлар орқали соя тушади.

Зеро, ҳадисда ривоят қилинишича, агар жаннатдан дунёга бир билакузук ташланса, у бутун дунёни ёритиб юборарди ва ёруғлиги куёш зиёсидан ҳам устун келарди. Ва бошқа хабарларда ҳам шу маъно айтилган. Демак, жаннатда мўминларга дунёда хоҳлаганларидек дарахтларнинг соялари бўлади, лекин улар куёш ва ой сабабли пайдо бўлмайди.

«**Мевалари жуда юмшоқ қилиб қўйилгандир**» оятидаги ذَلَّلْتُ [зуллилат] сўзи “юмшоқ қилинди” маъносида бўлиши мумкин. Яъни улар шундай майин қилиб қўйилганки, жаннатийларнинг қўлларига тикони ҳам ботмайди.

Тафсирларнинг бирида айтилишича, унинг маъноси “дарахтлар меваси пишганида олишга қийинчилик туғдирадиган даражада баланд эмас, балки эгаларига яқиндир”, дейилган. Арабларда ҳам حَائِطٌ ذَّلِيلٌ [хаитун залилун] ибораси осмонга бўй чўзмаган, балки паст деворга нисбатан ишлатилади.

Бошқа нақлда айтилишича, бунинг маъноси “дарахтлар бир-биридан тафовут қилмайдиган ҳолда бир текис қилинди” бўлади. Мадиналиклар хурмо шохлари бир хил бўлган вақтда تَذَلَّلَتِ النَّخْلَةُ [тазаллалатин нахлату], яъни “хурмолар бир хил бўлди”, дейдилар. Яна бир нақлда айтилишича, ذَلَّلْتُ [зуллилат] – “бўйсундирилган” маъносидадир. Яъни улар меваларни хоҳлаган ҳолатларида олаверадилар, хоҳласалар, туриб, хоҳласалар, ўтириб ёки тўшакда ётган ҳолларида ҳам олишлари мумкин.

Шунингдек, меваларнинг бўйсундириб қўйилгани маъноси баъзи мутақаддим уламолар зикр қилганларидек: “Жаннат дарахтининг томирлари юқорида, шохлари эса пастда, мевалари эса уларнинг орасида...”, бўлиши ҳам мумкин.

«Ва уларга кумуш идишлар ва биллурлардан бўлган қадахлар айлангириб турилар. (Қадахлар) кумушдан бўлган биллурдир, уларни (соқийлар) ўлчаб қўйганлар» (Инсон сураси, 15-16-оятлар).

Аллоҳ таоло ушбу қадахлар кумушдан ясалган биллур эканининг хабарини берди. Бир нақлда айтилишича, қадахлар кумушдан бўлиб, уларда биллурнинг шаффофлиги мавжуд, тиниклигидан ундаги ичимлик ташқаридан кўриниб турар эди.

Кумушдан ясалган идишлар эгасининг кўзига тупроқдан қилинган сопол идишлардан кўра қадри баландроқ кўринади. Худди шу каби кумушдаги шаффофлик эгасининг кўзига биллурда бўладиган шаффофликдан кўра комил ва юксакроқ кўринади.

Аллоҳ азза ва жалланинг: **“...уларни (соқийлар) ўлчаб қўйганлар”** деган сўзи, уларнинг чанқоғи миқдорича ўлчаб қўйилган, маъносида. Яна бир ривоятда айтиладики, уларга ўзлари чамалаган, нафслари талаб қилган миқдорда сув берилади. Яъни кўнгиллари бирор миқдорни истаса, уларга айнан ўшанча ичимлик олиб келинади.

«Ва улар у ерда аралашмаси занжабил бўлган қадахдан суғориладилар. У ердаги “Салсабил” деб номланган булоқдан» (Инсон сураси, 17–18-оятлар).

Баъзилар **“Ва улар у ерда аралашмаси занжабил бўлган қадахдан суғориладилар”** ояти маъносини бундай деб ўйлашган: “Арабларни бирор ичимлик таъми ажаблантирса, уни таърифлаб, бундай ичимликка нафслар рағбат қилиши ва хушхабар маъносида: “Занжабилга ўхшар экан” деб айтишган”.

Базилар эса, “занжабил” ва “салсабил” бир нарса бўлиб, иккиси ҳам булоқнинг номи, дейишган. Баъзилар салсабил сўзини **سَلْن سَيْبًا إِلَىٰ ذٰلِكَ الْعَيْنِ** [сал сабийлан ила

заликал-аъйн] яъни “ўша булоққа борадиган йўлни сўра”, ибораси орқали изоҳлаганлар.

Қатода розияллоху анху салсабил سَلِسَةُ السَّبِيلِ [салисатус-сабил] – “йўли енгил”, яъни суви тотли деган маънони ифодалайди, деган. Бир ривоятда айтилишича, “салсабил” тез оқувчи маъносини ифодалайди.

Баъзилар: “Эркакларга дунёда кумуш узук мубоҳ қилингани сабабли, улар кумуш узуклар билан, аёлларга дунёда тилла мубоҳ қилингани учун, улар тилла билак-узуклар билан зийнатланадилар”, деганлар.

Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинади: *“Жаннат аҳлидан бўлган кишига ейишда, ичишда ва жимода юз кишининг қуввати берилади”, дедилар. Шунда бир яхудий: “Еган-ичган киши ҳожат ҳам чиқаради(ку)?”, деди. У зот: “Улардан бирининг ҳожати терисидан сизиб чиққан хушбўй тер бўлиб, шунда унинг қорни ҳам бўшайди”, дедилар*¹.

Аслида, дунё ҳаётида одам еган овқатдан ҳосил бўлган қувват баданда қолади ва бу барча аъзоларида зоҳир бўлади. Шунингдек, шаҳват ҳам баданда қолади. Сўнг буларнинг қолдиғи ва ортиқчаси чиқиб кетади. Лекин (жаннатда) Аллоҳ таоло таомдан баданда қоладиган ортиқча нарсларни йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин. Шунда уларнинг таоми танада қоладиган латиф бир нарсага айланади.

¹ Ибн Абу Ҳотимдан ривоят қилинади: “Аҳли китоблардан бир киши Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам олдиларига келиб: “Эй Абулқосим, сен жаннат аҳли еб, ичадилар деб ҳисоблайсанми?” деди. Шунда у зот айтдилар: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, улардан бир кишига ейишда, ичишда, жимода ва шаҳватда сизлардан (бўлган) юз кишининг қуввати берилади”. Шунда бир яхудий: «Еган-ичган киши ҳожат ҳам чиқаради. Жаннат эса пок, унда ифлослик ҳам, азиат (берадиган нарса) ҳам йўқ», деди. У зот: «Улардан бирининг ҳожати терисидан сизиб чиққан хушбўй тер бўлиб, шунда унинг қорни бўшайди», дедилар” (Суютий. Ад-Дурр ал-мансур. 1/000; Самарқандий. Баҳр ал-ъулум. 3/103).

ДЎЗАХ АЗОБИ

«Ахир қиёматда ... ёмон азобдан юзи ила сақланадиган одам (мўмин ила тенг бўлармиди)?!» (*Зумар сураси, 24-оят*).

Демак, дўзах оловидан юзи билан сақланиши учун унинг қўллари кишанланади. Сўнгра улар занжирбанд қилиниб, қиёматдаги турфа ҳолатларга юз тубан судраб, ҳайдаладилар.

«Кофир кимсалар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаҳаннамга ҳайдалур» (*Зумар сураси, 71-оят*) Дўзахга кирганларида, у ердан қочишга ҳаракат қиладилар ва ўша пайтда занжирбанд қилиниб, яна дўзахга қараб судраладилар. Натижада, улар қочишга имкон топа олмайдилар.

“Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солингиз!” оятида зикр қилинган занжир дўзах аҳлининг баданларидан ортиб қолиб, дўзахдан ортиқча жой эгаллаши мумкин эмас. Чунки Аллоҳ таоло дўзахни барча куфрда ўтган одамлар ва жинлар билан тўлдиришини ваъда қилган². Шундай экан, ўша занжир (дўзахда) ортиқча жой эгалласа, дўзах фақат одамлар ва жинлар билан тўлмаган бўлади. Бу эса ваъдага хилофдир. Аллоҳ таоло ваъдасига асло хилоф қилмайди. Аммо ўша занжир дўзахийларнинг баданларига қараганда узунроқ бўлса, янада қаттиқ қисилишлари ва ғамга ботишлари учун (ортиқча қисми) ўз эгаларига (қайта) ўраб қўйилади. Аммо занжир дўзах аҳлининг баданларини ўрашдан ортиб туриши эҳтимолдан йироқдир.

² Имом Мотуридий ушбу оятга ишора қилаётган бўлса, ажаб эмас: “Раббингизнинг “Жаҳаннамни барча (куфрда ўтган) жинлар ва одамлар билан тўлдиражакман”, – деган сўзи ҳақдир” (*Ҳуд сураси, 119-оят*).

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Аллоҳ таолони эртаю кеч зикр қилишнинг фазилати .	6
Қуръони каримнинг нозил қилиниши.....	7
Омонатдорлик – улуғ фазилат.....	10
Ваъдага вафо қилиш	10
Сабр имондандир	11
Пайғамбаримизнинг машаққатга сабр қилишлари....	12
Саховатпешалик	13
Гуноҳдан сақланиш.....	14
Тунда ибодат қилиш.....	15
Намозни ўз вақтида адо қилиш.....	16
Қарз бериш	17
Инсон табиати ва нафс тарбияси	18
Омонатга берилган руҳ.....	20
Неъматга ношукрлик	22
Маломатчи нафс	23
Дунёга муҳаббат қўйиш	23
Тиланчиликдан сақланиш	25
Зинодан тийилиш	25
Қайта тирилтириш	26
Қайта тирилтиришдан кўзланган мақсад	28
Мўминлар қиёматда Аллоҳ таолони кўради	29
Аллоҳ мўминларни охиратда сақлайди	29
Жаннат васфи	31
Дўзах азоби.....	35



ҚАЙДЛАР УЧУН



ҚАЙДЛАР УЧУН

Диний-маърифий нашр

“ТАЪВИЛОТДАН” ДУРДОНАЛАР


«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2021

МУҲАРРИР:

Жамолиддин Каримов, Абдужалил Хўжам

САҲИФАЛОВЧИ:

Зарифжон Гуломов



Нашриётнинг лицензия рақами
АИ № 0011. 06.05.2019 йил.
Босмахонага 23.08.2021 йилда берилди.
Бичими 70×100 ¹/₁₆ Шартли б.т. 2,3. Нашр т. 2,4.
Адади 100 нусха. Буюртма № 66.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.